



Аллоҳ ва фалончи хоҳлагандай бўлибди эмас, балки, Аллоҳ хоҳлагандек, сўнгра фалончи хоҳлагандек бўлибди денглар!», - дедилар

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ ва фалончи хоҳлагандай бўлибди эмас, балки, Аллоҳ хоҳлагандек, сўнгра фалончи хоҳлагандек бўлибди денглар!», - дедилар.

[Ривоятларни жамлаш орқали саҳиҳ] [Абу Довуд, Насоий Сунан куброда ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон киши гапириш чоғида: «Аллоҳ ва фалончи хоҳлагандек бўлибди», - дейишдан қайтардилар. . Чунки Аллоҳнинг хоҳиши ва иродаси мутлоқ бўлиб, ҳеч ким У Зотга шериклик қилмайди. Араб тилидаги «Ва» ҳарфини атф қилиш Аллоҳга бирор нарсани шерик ва тенг қилгандек бўлади. Лекин: «Аллоҳ хоҳлагандек, сўнгра фалончи хоҳлагандек бўлибди», - деса бўлади. Шундай қилиб "ва" ўрнига "сўнгра"ни қўйиш билан банданинг хоҳишини Аллоҳнинг хоҳишига тобеъ қилади. Чунки "сўнгра" кетма кетликка ва биринчисидан орқада эканига далолат қилади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3352>

